

## Абу Ҳафс Умар ибн Абдулазиз



15:30 / 13.09.2020 2823

Ҳанафийлар шайхи, машриқ олими Абу Ҳафс Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий. Оталари аллома Абул Мафохирнинг қўлларида фақиҳ бўлиб, юқори даражага етганлар. У киши ҳақларида ибратли ҳикоятлар тўқилган. Султон олдида ҳам ҳурматлари баланд бўлган. Аллоҳ у кишига Қатавон воқеаси ва мусулмонлар мағлубиятидан кейин кофирлар қўлида шаҳид бўлишни насиб этгунига қадар ўз фикрларида собит турганлар.

Самъоний айтадилар: «Эшитишимча, бу киши қачон сафарга чиқсалар, фарзандлари ва дўстлари билан гўё қайтиб келмайдигандек хайрлашганлар. Оталаридан ва Али ибн Муҳаммад ибн Хидомдан ҳадис эшитганлар. У киши билан Марвда учрашиб, мунозараларида иштирок этганман. Абу Саъд ибн Тайюрий ва Абу Толиб ибн Юсуфдан ҳадис

айтганлар. Қатъиятлиликлари билан танилганлар. У зотдан кўплар фикҳдан таълим олганлар. Бу кишидан Абу Али ибн Вазир Дамашқий ҳадис эшитганлар. 536 йили сафар ойида 53 ёшларида Самарқандда қийнаб ўлдирилганлар».

**Изоҳ:** Ибн Мозанинг кўп асарлари бўлган: «Ал-Фатаво ал-кубро», «Ал-Фатаво ас-суғро», «Ал-Фатаво ал-хоссия», «Умдатул-фатаво», «Ал-Воқеотул ҳисомия фи мазҳабил ҳанафия», «Усулул фикҳ», «Масоил даъвал ҳийтон ват туруқ ва сайлул мо» ва бошқалар.

***«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан***